



**Жалолиддин
РУМИЙ:**

Дили ва тили
бир бўлмаган
инсон юз
тилни билса
ҳам тилсиз
саналгай.

ФОРУМ



O'ZLiDeP

“КРЕАТИВ ТАДБИРКОР ЁШЛАР”

форумига старт берди

“Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда “Металлург” маданият саройида ташкил этилган форумнинг асосий мақсади ҳам ёшлар ўртасида креатив иқтисодиётни ривожлантириш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда тадбиркорлик муҳитини янада кучайтиришдан иборат.

Байрамона тарзда ташкил этилган тадбир миллий куй-қўшиқлар садоси остида бошланди. Меҳмонлар дастлаб “Креатив ғоялар ярмаркаси”ни кўришди. 20 нафар стартапчи ёшларнинг лойиҳалари тақдим этилди. 20 нафар дастурчи-иختирочининг инновацион ишланмалари намоиш қилинди. 40 нафар муҳандислик соҳасида фаолият юритаётган ёшлар ишланмалари тақдими ўтказилди.

3

КЕЛГУСИ СОНДА:

“ҚЎРҚУВ ВА ҲАДИК БЎЛСА, ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНМАЙДИ”

деган ибора америкаликлар ўртасида
анча машҳур экан.



Хўш, АҚШда сиёсий жиҳатдан етакчилик қobiliяти ва ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган иқтисодий кадрлар қандай танлаб олинади? Янги ғоялар, лойиҳалар ва ҳамкорлик йўналишларини ҳаётга табиқ этишда муаммолар йўқми? “Open World” (Очиқ дунё) деб номланган ўн кунлик касбий тажриба алмашув дастури доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат гуруҳда партиядошимиз, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев ҳам АҚШ сафарига бўлиб қайтди. Газетамизнинг навбатдаги сониди унинг “сеҳрли диёр” билан боғлиқ аjoyиб ва қизиқарли таассуротларини ўқийсиз.

БУГУНГИ СОНДА



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИҚТИСОДИЁТ
ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНАДИ!

4



ВАҚТ ТЕЗКОРМИ Ё ДЕҲҚОН
ОМИЛКОР?

5



КЎЧИМОВ
КУТУБХОНАСИ

6



САВОДЛИ ОДАМ ҚАЙГА
ЙЎҚОЛДИ?

6

Обуна
2026 йил учун

XXI ASR
ijtimoiy-siyosiy gazetasi

ОБУНА ИНДЕКСИ – 406

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
71 255 68 50

21asr.uz
XXIasr_yangiliklari
XXIASR

Дунё ва мамлакатимиздаги энг сўнгги янгиликлар

UNESCO

**ИҚЛИМ
ЎЗГАРИШЛАРИ
ВА УНИНГ ЕЧИМИ
дунё ёшлари
нигоҳида**

2

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ICAPP БОШ КОТИБИ: ХХІ АСР “ЎЗБЕКИСТОН АСРИ” БЎЛИШИГА ШУБҲАМ ЙЎҚ!

O'zLiDeP вакили ICAPP Доимий Кенгашининг Боку анжуманида иштирок этди

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқ, прагматик ва амалий халқаро муносабатлар мамлакатимизнинг дунё сиёсатидаги салоҳияти ва имкониятларини тобора кенгайтириб бормоқда.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг моҳиятини белгилаб берувчи муҳим асослардан бири унинг очикликка, ўзаро ишончга асосланган муносабатларга таянаётганлигидир. Ташқи сиёсатда ана шундай устуворликларга урғу берилаётганлиги, қолаверса, проактив ташқи сиёсат юритиш позициясига ўтилганлиги бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон сиёсатининг энг фаол субъектларидан бирига айлантирди.

Бунинг натижаси ўлароқ дунёнинг барча қитъаларида жойлашган ўнлаб давлатлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари шаклланиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ушбу ўзгаришлар нафақат давлатлараро муносабатларда, балки Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар билан изчил сиёсий мулоқотни йўлга қўйётганлигида ҳам яққол кўзга ташланади.

Кейинги йилларда Тошкент ва Самарқанд бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг олий даражадаги тadbирлари марказига айланди. Хусусан, 2023 йил ноябрида Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити, Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) бош ассамблеясининг 25-сессияси, 2025 йил апрелида Тошкентда Халқаро парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей сессияси бўлиб ўтганлиги ва кўплаб муҳим халқаро масалаларга бағишланган конференциялар, анжуманлар ўтказилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Шу кунларда Самарқанд шаҳри ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси марказига айланганлиги, унинг ишида 193 та мамлакатнинг 5000 дан ортиқ вакиллари иштирок этиши мазкур йўналишдаги навбатдаги катта қадам бўлди.

Шу давр мобайнида бир қатор соҳавий халқаро ташкилотлар аъзосига айланган Ўзбекистон айнаан очиклик, яъни мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш билан, дипломатик воситалар орқали ҳал қилишга интилаётганлигини, ҳар қандай қарама-қаршиликдан айнаан ўзаро ишонч ва муаммоларни очик муҳокама этишни устуи қўйишини ўзининг амалий ишлари билан бутун дунёга исботлаб берди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги фаол иштирок, масалалар муҳокамасида илгари сурилаётган аниқ позициялар мамлакатимизнинг ташқи сиёсий мавқеи ошиб боришига, Ўзбекистонга нисбатан ишонч рейтингининг юқорилаб боришига асос яратди.

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳам ушбу жараёнларда фаол қатнашётганлигини, уларнинг, хусусан, O'zLiDePнинг Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) деб номланувчи нуфузли халқаро ташкилотдаги иштироки мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур ташкилот нуфузини белгилловчи асосий жиҳатлардан бири бугунги кунда унинг таркибига 60 дан ортиқ давлатнинг 350 дан ортиқ сиёсий партиялари бирлашганлигидир. Улар қаторига нафақат Осиё, балки ҳудуди Европа ва Осиё қитъаларида



жойлашган Россия, Туркия каби давлатлар, қолаверса, Кавказорти ва Қора денгиз бўйи давлатлари ҳам кириши, Лотин Америкаси ва Африка давлатларининг етакчи партиялари кузатувчи сифатида иштирок этиши ушбу ташкилотга аъзолик O'zLiDePra мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ниҳоятда кенг аудиторияга етказиш учун ўзига хос майдон яратиб беришидан далолат. Ташкилотга аъзо партияларнинг ўз давлатлари парламентлари ва ҳукуматларини шакллантиришда асосий роль ўйнаши ва ўз сафларида мамлакатларининг сиёсий элитаси вакилларини қамраб олиши эътиборга олинса, бу аудиториянинг даражаси янада яққолроқ кўринади.

Мамлакатимиз сиёсий партиялари ушбу ташкилот ишида у фаолият бошлаган дастлабки йиллардан бери қатнашиб келарди. Лекин орадан сал вақт ўтгач, бу иштирок қайсидир сабаблар билан умуман тўхтатиб қўйилган эди. Натижада бизнинг сиёсий партиялар халқаро партиявий жараёнлардан узилиб, улар учун дунё сиёсий кучлари билан ўзаро фикр алмашиш, тажрибаларини ўртоқлашиш имкониятлари чекланиб қолган эди. Дунё тобора глобаллашаётган, тез ривожланаётган бир даврда бундай аҳволда қолиш сиёсий партияларимиз ривожига ижобий таъсир кўрсатмас эди, албатта. Фақат 2017 йилдан бошлаб бу борада вазият ўзгарди, ва миллий сиёсий партияларимиз ушбу ташкилот доирасида ўз фаолиятини қайта тиклади. Узоқ йиллардан кейин илк бор Ўзбекистоннинг учта сиёсий партияси O'zLiDeP, ХДП ва “Адолат” СДП ICAPPнинг 18-Бош ассамблеяси ишида фаол иштирок этди ва бу билан ташкилотга янгидан йўл очилди, десак муболаға бўлмайди. Бундан кейинги даврда Ўзбекистон партияларининг ICAPP фаолиятидаги иштироки йилдан йилга фаоллашиб борди.

2025 йил, айтиш мумкинки, партияимизнинг ушбу ташкилотдаги фаолиятида янги сифат босқичи бошланди, яъни O'zLiDeP вакили бир овоздан ташкилотнинг раҳбар органи – ICAPP Доимий Кенгаши аъзолари сафига кирилди. ICAPP бугунги кунда, юқорида таъкидлаганимиздек, юзлаб сиёсий партияларни ўз таркибига жамлаган бўлса-да, унинг Доимий Кенгашига фақат 40 та сиёсий партия вакилларининг кирилганлиги инobatга оладиган бўлсак, бу нафақат Ўзбекистон Ли-

берал-демократик партиясининг, балки Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг ҳам ўзига хос эътирофи бўлди десак муболаға қилмаймиз.

Шу йил 17 октябрь куни Боку шаҳрида ICAPP Доимий Кенгашининг навбатдаги 44-ййгилишида O'zLiDeP вакили ҳам ушбу Кенгашининг аъзоси сифатида иштирок этди.

Кенгаш ййгилишида ташкилот томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Муҳокама қилинаётган масалаларнинг ўзи ICAPPнинг фақат Осиё қитъасида фаолият олиб бориши билан чекланмасдан, Европа, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари сиёсий партиялари билан яқин мулоқот ўрнатаётгани, нафақат Осиё сиёсий партиялари, балки бошқа қитъалар партияларини ҳам ташкилот илгари сураётган ғоя, яъни барча сиёсий кучларни минтақада ва умуман дунёда тинчлик ва барқарорликни, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш йўлида бирлаштириш мақсадлари атрофида жипслаштириш йўлида изчил ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради.

Доимий Кенгаш ййгилиши билан бир қаторда Бокуда O'zLiDePнинг халқаро майдондаги энг яқин ҳамкорларидан бири Озарбойжоннинг “Янги Озарбойжон” партияси ташкилотчилигида ICAPP Маданий Кенгашининг ййгилиши ҳам бўлиб ўтди. Ўз ишини “Миллий ўзига ҳосликдан глобал бирдамлик сари: янги дунёвий тартибнинг шаклланишида маданиятнинг ўрни” мавзусида амалга оширган Кенгаш иши Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг кириш сўзи билан очиб берилди. Анжумандан қўзланган мақсад бугунги мураккаб геосиёсий шароитда маданиятларнинг халқларни бир-бирига яқинлаштириш салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш, маданиятларо ҳамкорлик орқали халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва яқинлик муҳитини шакллантиришдан иборат бўлди. Муҳими, ушбу анжуманда қатнашган ҳар бир маърузачи ўзи вакил бўлган давлатнинг бу борада ўзига хос тажрибага эга эканлигини намойён этди, илгари сурилаётган ғоядан барчанинг манфаатдорлиги яққол кўзга ташланди.

ICAPP томонидан бугун жаҳонда юз бераётган мураккаб вазиятда барқарорликни таъминлаш, миллатларни ахиллик, бирдамликка чорлаш борасида мавжуд имкониятларни иш-

га солишга катта эътибор қаратилади. Айнан мана шу ёндашув Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилаётган – халқаро майдонда юзга келаётган келишмовчиликларни дипломатик йўл билан ҳал қилиш, тинчлик ва барқарорликни ўрнатишда мавжуд имкониятларни ишга солиш борасидаги ғоялар билан уйғунлиги кўзга ташланади.

Шу ўринда бундай фаол иш олиб бораётган ушбу халқаро ташкилот раҳбари, унинг Ўзбекистонга муносабати каби масалалар ҳам қизиқиш уйғотиши табиий.

Ҳозирги кунда ICAPP Бош котиби, ташкилот Доимий Кенгаши раиси лавозимида Чон Ий Ён фаолият юритиб келмоқда. У Корейнинг ташқи сиёсатида алоҳида ўрнига эга арбоблардан бири ҳисобланади. Қарийб қирқ йилга яқин дипломатик фаолият билан шуғулланган, кейинчалик кўп йиллар парламент аъзоси сифатида фаолият юритган Чон Ий Ён Мун Чже Ин президентлиги даврида, яъни 2017–2020 йилларда мамлакат Миллий хавфсизлик бошқармаси директори, президентнинг халқаро сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасини бажарган. Ушбу лавозимдалик вақтида Корей ярим оролида тинчлик муносабатларининг ўрнатилишида катта роль ўйнаган. 2021–2022 йилларда Корей Республикаси ташқи ишлар вазири лавозимида ҳам фаолият юритган.

Чон Ий Ён Корей Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзолаганини ўз сиёсий фаолияти давомида ҳисса қўшган энг муҳим ишлардан бири деб билади. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатини қизиқиш билан кузатадиган Чон Ий Ён ўзини Ўзбекистоннинг дўсти деб ҳисоблайди.

Шу йилнинг октябрида Тошкент ва Самарқандда хизмат сафарида бўлган Чон Ий Ён мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга баҳо берар экан Ўзбекистон мамлакатининг барқарор тараққиётини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишди, қолаверса, халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашда салмоқли ютуқларга эришгандлигини таъкидлайди.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корей Республикасига амалга оширган давлат таширларини икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда

катта аҳамиятга эга бўлганини қайд этар экан, Ўзбекистон билан муносабатлар Корей учун жуда муҳимлигини таъкидлайди.

– Буни икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиқилганлигида ҳам кўриш мумкин, дейди у. – Корей Республикаси ташкил толган 1948 йилдан буён ўтган қарийб саксон йиллик даврда фақат тўртта давлат билан шундай юқори ҳамкорлик ва ўзаро ишонч даражасига чиққан. Шунинг ўзйёқ икки давлат муносабатларининг характерини яққол кўрсатади.

Чон Ий Ён Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев иқтидорга келганидан кейин икки давлат ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги даражага чиққанлигини, Корей сиёсий элитасида давлатимиз раҳбари фаолиятига юксак даражада ҳурмат билан қараш мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

У Ўзбекистонда кейинги саккиз-тўққиз йил ичида амалга оширилаётган янгиланишлар мамлакатимиз қиёфасини, халқаро майдондаги мавқеини ҳам кескин ўзгартариб юборганлигини, агар ўзгаришлар шиддати шу зайл давом этса, ХХІ аср “Ўзбекистон асри” бўлишига ишончи комил эканлигини қайта-қайта таъкидлади.

ICAPP Бош Котиби Самарқандда бўлиб қайтгани, хусусан, Афросиёб деворларидаги тасвирлар унга ниҳоятда чуқур таъсир этганлигини билдириб, сафар чоғида бундан минг йиллар олдин ҳам Ўзбекистон ҳудуди Қарб ва Шарқ чорраҳасида муҳим боғловчи нуқта бўлиб келганлиги, турли халқларни боғлаш, ўзаро яқинлаштириш Ўзбекистон халқининг генида борлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилганлигига урғу берди.

“Президент Шавкат Мирзиёев ўзбекларнинг қонидаги ана шу генини уйғота олди ва бугун ҳам мамлакатингиз жаҳон сиёсатидаги ниҳоятда фаол позицияси билан халқларни яқинлаштирувчи, дўстлаштирувчи ва манфаатли алоқаларга чорловчи муҳим боғловчилик позициясини қайта тиклаётганлигини кўряпмиз”, дейди у.

Чон Ий Ён O'zLiDePнинг ICAPP ишида фаол иштирокини юқори баҳолашини алоҳида қайд этди ва партия билан ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб боришига умид билдирди.

O'zLiDePнинг мазкур нуфузли ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги нафақат икки томон, балки Ўзбекистон манфаатларига ҳам хизмат қилади ва партияимиз бундан кейин ҳам халқаро алоқаларини мустаҳкамлаб боради.



Бахтиёр ЯКУБОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси раисининг ўринбосари

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА УНИНГ ЕЧИМИ

Дунё ёшлари нигоҳида

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси бош қароргоҳи сифатида Самарқанд шаҳри танлаб олингани бежиз эмас. Ушбу кўҳна ва навқирон шаҳар азалдан тарихий учрашувлар, маданиятлар бирлашуви, тамаддунлар маркази бўлиб келган.

27–28 октябрь кунлари Самарқанд навбатдаги – “Иқлим ҳаракати ва унинг ижтимоий таъсири, аиникса, ёшлар учун” мавзусидаги 14-ЮНЕСКО Ёшлар форумига мезбонлик қилди. **Дунё бўйлаб юздан ортиқ мамлакатдан 150 нафар етакчи иштирок этган** тadbирнинг бош мақсади – ёшларнинг иқлим ўзгаришига қарши курашдаги иштирокини кучайтириш, уларнинг инновацион ғояларини глобал миқёсда илгари суриш ҳамда барқарор келажақ йўлидаги овозини янада баландроқ эшитиришдир. Халқаро тadbир ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош директорининг ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича ёрдамчиси Лидия Брито, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги бош директори Алишер Саъдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, иқлим ўзгариши, экологик муаммолар бугун глобал масалага айланиб, кўплаб ҳалокатларга сабаб бўлаётганини таъкидлашди. Бундай вазиятда ёшларнинг ташаббус ва ғояларини эшитиш, уларнинг фикрига қулоқ тутиш жуда муҳим. Зеро, форумда муҳокама қилинадиган масалалар, ўртага ташланадиган ташаббуслар ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасида эътиборга олинади, турли халқаро ташкилотлар вакиллари ва давлатлар делегациялари иштирокида кўриб чиқилади.

– Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият соҳалари билан бир қаторда экологик масалалар бўйича чақириқ ва даъватларини ҳам қўллаб-қувватлаб, бу борада қатъий позициясини намойён этиб келмоқда, – деди Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси креатив иқтисодиёт ва туризм департаменти мудири ўринбосари Элмурод Нажимов. – Буни 2025 йилнинг юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб номланганда ҳам кўриш мумкин. Йил номидан келиб чиқиб тасдиқланган давлат дастури асосида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жорий йил бошида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан илк бор Орол маданияти саммити ўтказилди, дунёнинг турли давлатларидан ёшларни бирлаштирган “Орол мактаби” таълим дастури ишга туширилди. Бу каби тadbирлар орқали биз барқарор ривожланиш-

га тўсиқ бўладиган экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирини юмшатишга эришяпмиз.

“Generation of Action” (акцияни бошлаш) шиори остидаги очилиш маросимида турли давлатлар вакиллари иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва экологик муаммоларнинг ечимлари бўйича ташаббус ва ғояларини илгари суриб, инновацион ечимлар таклиф этишди. Жумладан, испаниялик Карлито Бруно ишлаб чиқариш ва саноат ривожига жараёнида экологияга зарар етказмаслик, замонавий технологиялардан фойдаланишда атроф-муҳитга таъсирни камайтириш зарурлигини қайд этди. Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи қанчалик долзарб бўлмасин, мазкур йўналишдаги саноатда ҳам экологик мувозанат бузилишига йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатимиз вакили Гулназ Абутова Қорақалпоғистон мисолида Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш ҳамда мазкур ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга



оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Халқаро анжуман доирасида интерактив сессиялар ташкил қилиниб, унда ёшлар ўз стартаплари, ижтимоий лойиҳалари ҳамда экологик ташаббусларини тақдим этдилар. Иқлим ўзгариши ва ижтимоий масалаларга оид ташаббус ва ғояларни муҳокама қилишди, ўзаро тажриба алмашишди, глобал муаммолар ечимини биргалликда излашди.

Мазкур форумнинг Самарқандда ўтказилиши шаҳарнинг маданий ва тарихий марказ сифатидаги нуфузини ошириш, меҳмонларга унинг бой тари-

хи ва маданий мероси билан яқиндан танишиш имконини яратди. Бир сўз билан айтганда, ушбу анжуман Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати, халқаро ҳамкорлик ва барқарор ривожланишга эътиборининг ёрқин кўринишидир. У мамлакатимиз йигит-қизларини глобал қарорлар жараёнига фаол жалб этиш йўлида муҳим қадам сифатида тарихда қолади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

Самарқанд

O'zLiDeP "КРЕАТИВ ТАДБИРКОР ЁШЛАР"

форумига
старт
берди

Ёшлик – шиддатли давр. қайноқ фикрлар ва туйғулар фасли. Бу даврда онгда ялт этган учқунни дарҳол фаҳмлаб, илм билан тўйинтирилса, бир-бирдан ажиб кашфиётлар бўлиши ажабмас. Инсониятга хизмат қилувчи кичик бир янгиликка қадам шундан бошланар, эҳтимол.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар масаласида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ва “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 21 октябрь куни сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт, таълим, тиббиёт ва бошқарув тизимига жадал татиқ этиш бўйича видеоселектор йиғилишида илгари сўрган ташаббуслари ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз. Президентимиз томонидан “Бир миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳасини кенгайтириш, ёшлар ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада “сунъий интеллект альянси”ни ташкил этиш тақлифлари мамлакатда илғор технологияларга асосланган янги иқтисодий муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда O'zLiDeP “Креатив тадбиркор ёшлар” форумига старт берди. “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда “Металлург” маданият

саройида ташкил этилган форумнинг асосий мақсади ҳам ёшлар ўртасида креатив иқтисодиётни ривожлантириш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғояларни амалиётга татиқ этиш ҳамда тадбиркорлик муҳитини янада кучайтиришдан иборат.

Байрамона тарзда ташкил этилган тадбир миллий куй-қўшиқлар садоси остида бошланди. Меҳмонлар дастлаб “Креатив ғоялар ярмаркаси”ни кўришди. 20 нафар стартапчи ёшларнинг лойиҳалари тақдим этилди. 20 нафар дастурчи-иштирокчиларнинг инновацион ишланмалари намойиш қилинди. 40 нафар муҳандислик соҳасида фаолият юритаётган ёшлар ишланмалари тақдими ўтказилди. Шунингдек, имконияти чекланган 5 нафар ёшлар ўз маҳсулот ва хизматларини ҳавола этди. Бундан ташқари, 40 нафар миллий ҳунарманд усталар нафақат ўз маҳсулотларини кўргазма қилишди, форум иштирокчиларига маҳорат дарслари ҳам ўтишди.

Форумнинг очилиш маросимида O'zLiDeP сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ҳамда парламентдаги партия фракцияси раҳбари ўринбосари Абдулло Аслонов, олий мажлис қонунчилик палатаси депутатлари – Виктор Пак, Аҳмад Назирқулов, Галия Райханова, Гулшана Худоёрова ва Олмалик шаҳар ҳокими Қобил Ҳамдамов, санъат ва ижод аҳли, ёш тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



дентимиз тавсияси билан таъсис этилган “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонига сазовор бўлган машҳур тадбиркор, Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери раҳбари Шарофат Нориева ва “Zafarxon” МЧЖ таъсисчиси, “Ermak” бренди асосчиси 2024 йилда “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиби Валижон Салихов каби етакчи тадбиркорлар ўзларининг ибратли тажрибаларини форум иштирокчилари билан бўлишиди. Юртимизда тадбиркорлик учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, бор куч-ғайратини халқ фаровонлиги йўлида бағишлагачи чорлашди. “AISHA AI” сунъий интеллект асосчиси Элзод Шарофиддинов ва “Body-tester” стартап асосчиси Асадбек Урунов ҳам сунъий интеллект борасидаги ўз ишланмалари ва уларнинг бугунги бизнес маконидаги афзаллик, қулайликлари хусусида йиғилганларга маълумот беришди.

Тушдан сўнг Миллий тадқиқот технологик университети – МИСиС Олмалик филиалида “Ёшлар тадбиркорлиги, креатив иқтисодиёт ва инновация соҳаларидаги ютуқлари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Конференцияда депутатлар, экспертлар ва мутахассислар томонидан ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш, инновацион ғояларни иқтисодиётга жорий этиш, креатив иқтисодиётнинг миллий моделини шакллантириш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, бир нечта дастурлар амалга оширилди. “Ёш фермерлар тажриба мактаби” – қишлоқ хўжалиги соҳасида бозорбоп маҳсулотлар етиштириш, агротехник тадбирлар, маркетинг ва қайта ишлаш жараёнларига оид амалий билим ва кўникмаларни ўргатишга қаратилган интенсив курс бўлиб ўтди. “Тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини йўлга қўйишнинг муаммолари” мавзусидаги амалий семинарда эса депутатлар, тадбиркор аёллар ва жамоат фаоллари иштирок этиб, тажриба алмашдилар.

Умуман олганда, форум ёшлар учун амалиётда ўз билим ва ғояларини намойиш этиш, илғор тажрибаларни бўлишиш, мутахассислар билан мулоқот қилиш ҳамда янги ҳамкорлик лойиҳаларини бошлаш учун самарали платформа бўлди. Тадбир якунида энг фаол лойиҳа муаллифлари ва стартапчилар махсус сертификат ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.



Асадбек УРУНОВ,
“Body-tester” стартап асосчиси:

– Дунё миқёсида кузатилаётганидек, замон талабига мос тарзда Ўзбекистонда ҳам инновацияларга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Иқтидорли инноваторлардан ташкил топган энг кучли жамоамиз – “Cjsvjs innovation” ҳам айнан шу эҳтиёжни қондириш учун ташкил этилган. Асосий мақсадимиз – қай-

си йўналиш бўлишидан қатъи назар, инновацияга муҳтож бўлса, фойдали ечимлар таклиф қилишдир. Биз яратган лойиҳалар амалиётда ўз самарасини берибгина қолмасдан, балки келажақдаги ривожланишимиз учун ҳам пойдевор яратади.

Хусусан, “Body-tester” старاپимиз билан катта муваффақиятга эришдик. Бу стартап доирасида “Биринчи ўзбек робо доктори” қурилмасини яратдик. “Body-tester” одамнинг олти турдаги тиббий маълумотини тахлил қилиш ва еттинчисини тавсия этиш хусусиятига эга бўлиб, уни турли давлат органлари, поликлиникалар, мактаблар, жамоат жойлари ва савдо марказларида қўллаш мумкин. Биз ушбу лойиҳа орқали 2030 йилга қадар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий маданиятни ошириш ва ҳар бир инсоннинг саломатлигини яхшилашни ният қилганмиз.



Элзод ШАРОФИДДИНОВ,
“AISHA AI” сунъий интеллект асосчиси:

– “AISHA AI” ўзбек тилида мукаммал мулоқот қиладиган сунъий интеллектдир. “AISHA AI”нинг ортида ўндан ортиқ кучли мутахассислар жамоаси шаклланди. Ўзбек, қорақалпоқ ва хорижий тилларда сунъий интеллектга асосланган ечимларни (NLP ва NLU) тақдим этади.

Сунъий интеллектимиз орқали фойдаланувчи бир қатор имкониятларга эга бўлади. Жумладан, нутқни матнга ўгиради ёки акси – матни нутққа ўгиради, чат ботда суҳбатлашади. Қолаверса, Call Metrics – кўнғироқлар ва чатларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш ва call-марказлар фаолиятини яхшилаш учун яратилган платформадан ўз мақсади йўлида унумли фойдаланади.

Ҳозирда эса алоқа марказлари операторлари вазифасини тўлиқ сунъий интеллект амалга оширувчи инфраструктура устида ишламоқдамиз. Бизнинг асосий мақсадимиз мукаммал ўзбекча мулоқот майдонини яратиш ва шу орқали ўзбек маданияти, анъаналарини асраш, ҳурмат қилиш ҳамда тарғиботига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан бошланган “Креатив тадбиркор ёшлар” форуми доираси энди тобора кенгайиб боради. Чунки ушбу нуфузли тадбирда қатнашган навқирон авлод вакиллариининг истиқболли ташаббус ва лойиҳаларини ҳамиша қўллаб-қувватлаш учун ўзига хос майдон шаклланмоқда. Бу йўлда барча йигит-қизларимизга фақат омад ёр бўлишини тилаймиз!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



Гулшана ХУДОЁРОВА,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси
раисининг Ёшлар ва аёллар масалалари
бўйича ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



Оттабек СОБИТОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси
бўлим мудир:

– Юртбошимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида сунъий интеллект технологиялари иқтисодиётдан тортиб, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқарув тизимигача чуқур кириб бораётгани эътироф этилгани бежиз эмас. 2030 йилга бориб дунё иқтисодиётида сунъий интеллект ҳажми 15 триллион долларга етиши йил бошида прогноз қилинган бўлса, ҳозирги таҳлиллар бу рақам 20 триллион доллардан ортишини кўрсатмоқда.

Таъкидландики, ёшларнинг сунъий интеллектдан фойдаланишга доир ғояларини аниқлаш ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Бир миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳаси кенгайтирилади, бу бўйича миллий танлов ўтказилиб, энг юқори натижа кўрсатган ёшлар, уларнинг устозлари ва таълим ташкилотлари муносиб рағбатлантирилади. Талабаларнинг сунъий интеллектга қизиқишини ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида сунъий интеллект бўйича умуммиллий танлов ўтказилади. Мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган “Сунъий интеллект соҳасидаги энг яхши стартап” танлови ташкил этилади. Соҳани ривожлантириш борасида етакчи компаниялар, хорижий экспертлар ва ватандошларимиз, йирик давлат корхоналари, банклар ва олий таълим даргоҳларининг сазй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида Сунъий интеллект альянсини тузиш тақлифи қўллаб-қувватланди.

Ушбу форум ҳам партиянинг Сайловолди дастури асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг узвий давомий сифатида, ёшларнинг креатив ғоялари ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, уларнинг ижодий ва инновацион салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида илк бор ташкил этилди. “Креатив тадбиркор ёшлар” форуми доирасида йил давомида мунтазам равишда мусобақалар, семинар ва тренинглар ўтказиб борилади.

– Ишончимиз комилки, бугун Олмалиқда старт олган ушбу форум ҳали республика бўйлаб кенг қанот ёзади. У кириб бормаган шаҳар, туман, қишлоғу овул қолмайди, насиб этса. Жумладан, мазкур кенг қамровли тадбир мақсади ўлароқ республика бўйлаб 208 та туман(шаҳар)да бир вақтда фестивал, кўргазма-ярмарка, мастер-класс ва спорт тадбирлари ташкил этилиши орқали камида 100 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинади. Ёшлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, дизайн ва IT ишланмалар кенг жамоатчилиikka тақдим этилиб, уларнинг янги бозорларга чиқишига имконият яратилади.

Катта муваффақиятларга эришаётган тадбиркор ва инвесторлар иштирокида ўтказилажак семинар ва тренинглар орқали 5 мингдан ортиқ ёшлар амалий билим ва кўникмаларга эга бўлади. “Book & Coffee Talks”, “Ёш фермерлар тажриба мактаби”, “Digital Skills Bootcamp” каби дастурлар орқали ёшлар ўртасида ижодий ва интеллектуал муҳит яратилади. Илмий конференция ва семинарларда ёш тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар ва депутатларимиз иштироки орқали ёшлар муаммоларига доир амалий тақлифлар ишлаб чиқилади.

“Креатив ёшлар кубоги” спорт мусобақалари ва веломарафонлар ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади ва жамоавийлик руҳини кучайтиради. “Яшил макон” доирасида камида 50 мингдан зиёд дарахт экиш ва кўкаламзор ҳудудлар барпо этиш орқали экологик масъулиятни ошириш режалаштирилган. Партия қабуллари орқали ёшларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолари аниқланиб, уларни амалда ҳал этиш механизмлари ишга туширилади.

Форумнинг кейинги қисмида “Менторлик сессияси” бўлиб ўтди. Унда улкан ютуқларни қўлга киритаётган тадбиркорлар ва стартап асосчилари бўлган ёшлар ўз тажриба ва маслаҳатларини ўртоқлашишди. Тадбир доирасида инновацион маҳсулотни бозорга чиқариш, молиялаштириш, маркетинг ва бизнес режалаштириш масалалари юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда Президенти

ТАРАҚҚИЁТ НУҚТАЛАРИ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Сунъий интеллект ХХI асрнинг 20-йилларига келиб, навбатдаги янги технология бўлибгина қолмай, балки замонавий тараққиётнинг ажралмас қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир ўтказмоқда. Айниқса, инновацион ўзгаришларнинг манбаи бўлиб, иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Машҳур халқаро консалтинг фирмаларидан бири “McKinsey” ҳисоб-ки-тобларига кўра, сунъий интеллектнинг иқтисодиётга таъсири бундан буюн фақат ошиб бориши ва 2030 йилга бориб, ушбу технологиянинг жаҳон ялли ички маҳсулотидagi улуши 20 триллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Ушбу технологияни ким тезроқ ва кенг-роқ ўз иқтисодиётига жалб қилса, уша давлат кўпроқ манфаат кўриши, бу масалада сусткашликка йўл қўйганлар эса кўп нарса йўқотиши яққол сезилиб қолмоқда. Ҳозирдаёқ дунёнинг бир қатор мамлакатлари ўртасида бу соҳада янгиликлар яратиш, унинг ютуқларини ўз иқтисодиётига жорий қилиш борасида ўзига хос “пойга” бошланиб кетгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш юзасидан видеоселектор бўлиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Демак, Ўзбекистонда ҳам ушбу масала жиддий эътиборда эканлиги исботи бўли!



Йиғилишда давлатимиз раҳбари сунъий интеллектнинг бундан кейинги дунё тараққиётига, жамият тараққиётига таъсири ҳусусида сўз юритар экан, бугун инсоният янги цивилизация босқичига – сунъий интеллект даврига дадил қадам қўйганини алоҳида таъкидлади.

Янги технология таъсиридан жамиятнинг бирор соҳаси четда қолмаслигига урғу берар экан, юртбошимиз “Бундай вазиятда қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади”, деган фикрни ўртага ташлади. Дунёнинг кўплаб давлатлари янги технологияни жорий қилиш борасида бир-бири билан мусо-бақалашаётган ҳозирги даврда бу соҳада бир қадам олдинда юриш кўплаб тизимли ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Дунё ҳукуматларининг сунъий интеллектни жорий этишга тайёргарлик даражасини мониторинг қилувчи “Oxford Insights” ташкилоти таҳлилларига кўра, Ўзбекистон ҳукумати томонидан мазкур йўналишда шу кунгача бир қанча муҳим қадамлар қўйилган. Жумладан, сунъий интеллект техноло-гияларини 2030 йилга қадар ривожлан-тириш стратегияси қабул қилинган бў-либ, унда устувор мақсад ва вазифалар, йўналишлар аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Президентининг шу йил 21 октябрь куни Мирзо Улугбек туманида жойлашган IT-паркка ташрифи чоғида намойиш этилган янги ишланма-лар бу борада яратилган имкониятлар, инфраструктура қандай натижалар бе-раётганига яққол далил бўлади. Жумла-дан, бугунга келиб IT-парк резидентла-ри сони 3 минг 200 компанияга етгани, уларда 14 мингдан ортиқ мутахассис фаолият юритаётгани, ўтган йили ре-зидентлар томонидан 1 миллиард 600 миллионлик хизмат кўрсатилиб, жорий йил якунига кўра ушбу кўрсаткич 2,5 миллиард доллардан ошиши, экспорт ҳажми илк бор 1 миллиард долларлик кўрсаткичдан ортиси кутилаётгани бу-нинг исботи эмасми?

Амалга оширилган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон бир йилда

ИҚТИСОДИЁТ
драйверига айланади!

сунъий интеллектга тайёргарлик бўйи-ча халқаро индексда, яъни “Oxford Insights” ташкилотининг “AI Readiness Index” рейтингига 17 поғона юқорила-ди. Бугунги кунда биз ушбу индексда 188 та давлат орасида 70-ўринга, Мар-казий Осиё давлатлари орасида эса 1-ўринга кўтарилдик!

Албатта, буларнинг барчаси Ўз-бекистон раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати натижаси, юртимизни дунёнинг ривож-ланган давлатлари қаторига олиб чиқиш борасидаги саяй-ҳаракатлар-нинг маҳсулидир.

Ёки яна бир мисол: Президентнинг ўтган йил октябрь ойида қабул қилин-ган “Сунъий интеллект технологияла-рини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги қарориди сунъий интеллект асоси-да яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш ва-зифаси қўйилган эди. Лекин қисқа вақт ичида соҳада эришилган натижалар,

сини бажариши аниқ.

Ўзбекистонда ўтган қисқа давр-да мазкур соҳада амалга оширилган ишлар ва натижалар мамлакат салоҳи-ятини аниқ кўрсатиб қўйди. Яратила-ётган янги имкониятлар мамлакатни инвесторлар учун жозибдор қилиши тайин. Шундай бир вазиятда ким эр-тароқ бу каби имкониятлардан кенг фойдаланиб, сармояларини киритса, албатта ўша ютади, деган сигнални бар-ча потенциал инвесторлар аллақачон англаб олганига шубҳа йўқ. Айниқса, сунъий интеллект инфратузилмасига 100 миллион доллардан кўп сармоя ки-ритган инвесторларга энергия нархи-нинг 5 цент этиб белгиланиши, IT-парк имтиёзлари татбиқ этилиши, импорт ускуналарининг боғхона тўловларидан озод қилиниши борасидаги ташаббу-слар соҳага инвестиция қилишнинг жо-зибадорлигини кескин оширади-да.

Президент Шавкат Мирзиёев се-латор йиғилишида соҳани ривожлан-тириш учун амалга оширилиши, бир-ламчи эътибор қаратиш зарур бўлган

йўналишларни аниқ белгилаб берди. Хусусан, дунёда сунъий интеллектга талаб ортиб бораётган ҳозирги давр-да рақобатбардош бўлиш учун 3 та энг асосий масала – инфратузилма, очик маълумотлар ва кадрлар тайёрлашга эътибор эканлигини кўрсатиб ўтди ва ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича қилинадиган аниқ вазифалар кўламини белгилаб берди.

Мамлакатимизнинг яқин келажа-даги киёфасини шакллантириши мум-кин бўлган ушбу муҳим вазифаларни бажариш фақатгина давлатнинг иши бўлиб қолмаслиги керак ва йиғилишда давлат раҳбари бу борада ҳам аниқ тақлифларини баён қилди. Жумла-дан, давлат билан бир қаторда чет эл-лик ҳамкорлар, қолаверса, бизнеснинг фаол иштироки бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Эътиборли жиҳати, давлат-хусусий шерикчилиги асосида мамлакатимиз кейинги йилларда барча йўналишларда катта ютуқларга эришиш. Уйлаймики, нафақат иқтисодиётимиз, балки бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ри-вожи учун стратегик аҳамиятга эга бўл-ган ушбу йўналишда ҳам ана шундай истиқболли ҳамкорлик ўз самарасини беради.



Азиза СУЛТОНОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети “Иқтисодиёт
ва менежмент” кафедраси
стажёр-ўқитувчиси

ҚУДУҚЛАРДАН ХАБАРЛАР

О’зLiDeP аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини юксалтириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантиришни ўз сиёсий платформасининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олгани бежиз эмас.



“Фойда импортда эмас, экспортда!”

ДЕЙИШМОҚДА КЕГЕЙЛИЛИК ТАДБИРКОРЛАР

Айниқса, ҳудудларда партия фаоллари ташаббуси билан амал-га оширилаётган турли sanoat ва қишлоқ хўжалигига оид лойиҳа-лар ҳар томонлама қўллаб-қув-ватланмоқда. Шундай хайрли ишлардан бирини Кегейли тум-анида “GLOBAL EXPORT” масъу-лияти чекланган жамияти бош-лаб берди.

Корхона Хитой ва Туркия давлатларидан олиб келинган замонавий ускуналар ёрдамида йилига 1000 тоннагача мош маҳ-сулотини қайта ишлаш имкония-тига эга. Ҳозирнинг ўзида тайёр маҳсулотлар асосан ташқи бо-зорларга экспорт қилинмоқда. Натижа чакки бўлмайди: мам-лакатимиз иқтисодиётига йили-га тахминан бир миллион АҚШ долларини миқдориди ва валюта-нинг келиб тушиши режалашти-рилган.

Эътиборга молик жиҳати, хорижлик мижозлар маҳсулот-ларимизни халқаро бозордаги ўртача нархдан ҳам баландроқ баҳоларда сўрашапти. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар-нинг маҳсулотлари сифат ва рақобатбардошлик бўйича халқаро стандартларга жавоб бериши-ни яққол тасдиқлайди.

– Кегейлида бундай истиқ-болли корхоналар сони йил са-йин кўпайиб бораётганидан аҳоли ҳам хурсанд, – дейди партия ту-ман кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Байрам Искендеров. – Айниқса, бу борада “GLOBAL EXPORT” МЧЖ анча илғор. Чунки бу ерда аввалгидек қўл меҳнати-га эмас, аксинча, замонавий техни-каларга кўпроқ таянилади. Ҳо-зирги кунда мошини қайта ишла-ви тўртакка ускуна мавжуд бўлса, яна унта шундай комбайнга бу-

юртма берилибди. Асосийси, 15 нафар фуқаро доимий иш ўрни-га эга. Келгусида эса бандлиқни таъминлаш учун яна имкониятлар мавжуд.

О’зLiDeP вакилининг маъ-лум қилишича, бу корхонада ту-манда етиштирилаётган жўхори, кунжут ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб, экспорт қилиш ре-жалаштирилаётган экан. Бу эса худуд иқтисодиётини диверси-фикация қилиш, қишлоқ жойлар-да янги иш ўринлари яратиш ва маҳсулотни қиймат занжири асо-сида тайёрлаш орқали худуднинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда муҳим ўрин тутаяди.

О’зLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши
матбуот хизмати

ДЕПУТАТ КЎМАГИ БИЛАН...

О’зLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” фаоли, Узун тумани кенгаши депутати Сафаргул Ражабова маҳаллалардаги хотин-қизлар билан очик мулоқотлар ўтказиш, уларнинг муаммо ва тақлифларини ўрганиш ҳамда аёллар бандлигини таъминлаш бўйича изчил фаолият юритиб келмоқда.



Шу мақсадда депутат яқинда Янгийўл маҳал-ласида бўлиб, хотин-қизларнинг турмуш шароити, бандлик масалалари билан яқиндан танишди. Учра-шув давомида фуқаролар ўзларини қийнаётган му-аммоларни очик баён этиб, депутатга юзланди. Жумладан, Мавлуда Бердиева иш топишда ёрдам беришини, тикиш-бичишни яхши билишини, бироқ зарур ускуналарга эга эмаслигини маълум қилди. О’зLiDeP вакили бу ҳолатга бефарқ қарама-ди ва масъул идоралар кўмағида қисқа муддат ичи-да субсидия асосида икки дона тикув машинасини олиб берди.

Ниҳоят Мавлуда Бердиева тикувчилик фаоли-ятини йўлга қўйиш, оиласининг даромад манбаини яратиш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, депутат кўмағи билан яна бир хонадон бекаси ўзи-ни-ўзи банд қилди.

– Аслида ҳар бир аёл ўз меҳнати билан ҳаётини ўзгартиришга қодир, – дейди Сафаргул Ражабова. – Биз эса уларнинг илк қадамларига кўмак беришни,

рағбатлантириш ва фойдали меҳнатга ундашни бур-чимиз деб билишимиз керак.

Партиянинг бундай ташаббуслари хотин-қиз-ларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, иқтисодий мус-тақиллигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

О’зLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши
матбуот хизмати

МОНОМАРКАЗГА МАРҲАМАТ!

О’зLiDeP Хоразм вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан Урганч шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази биносидида “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Иштирокчилар мамла-касида хотин-қизлар тадбир-корлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари, имтиёзли кредитлар, субсидия-

лар ва грантлар ҳақида батаф-сил маълумот берилди. Шунинг-дек, муваффақиятга эришган тадбиркор аёллар ўз тажриба-лари билан ўртоқлашиб, янги иш

бошламоқчи бўлганларга амалий маслаҳатлар беришди.

– Бугун хотин-қизларнинг жа-мийатдаги ўрни беқийс. Биз улар-нинг нафақат ижтимоий соҳада, балки иқтисодиётнинг барча йўна-лишларида ҳам фаол иштирок этишини истаймиз. Шунинг учун партиямиз ишсиз аёлларга ама-лий ёрдам кўрсатиш, уларни биз-несга ўргатиш ва молиявий кўмак бериш бўйича изчил ишлар олиб бормоқда, – дейди халқ депутат-лари Урганч шаҳар кенгаши де-путати Муборак Жуманиязова.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда “Ишга марҳамат” мономар-казида 24 турдаги ўқув курслари – тикувчилик, ошпазлик, ком-пьютер саводхонлиги, дизайн, сартарошлик ва бошқа йўналиш-лар бўйича амалий билимлар бе-рилмоқда.

Бундай лойиҳалар нафақат аёлларнинг иқтисодий мустақил-лигини таъминлаш, балки улар-нинг ўз салоҳиятини тўлиқ намо-ён этишига ҳам замин яратаяди.

О’зLiDeP Хоразм
вилоят кенгаши
матбуот хизмати



ВАҚТ ТЕЗКОРМИ Ё ДЕҲҚОН ОМИЛКОР?

...Беш йил олдин бир янгиликни “тарихимизда илк бор” деган сифатлаш билан эълон қилганимиз эсимда. Нима янгилик, дersen?

Тўғри, осмон ерга узилиб тушмаган – Хоразмда илк бор фермерларга ғўзапояларни октябрь ойи адоғида йиғиштириб олишга рухсат берилган, холос.

Шунга шунчами, дейдиганлар топилар орамизда. Салкам бир аср ўзбек деҳқони гарданига оғир юк бўлган, бутун куз ва қиш бошидан адоғиғача тўрт ойлаб даласига қамаб қўядиган пахта яккаҳоқимлиги азобини тақдирда синаб кўрганлар тушунади бу янгиликнинг қадр-қимматини. Ахир “миллионлар ортидан қувилган” замонларда пахтакорлар (ва уларга кўмақдош барчамиз) қадим отасўзимиз бўлмиш “Деҳқон ётганда, чўпон ўлганда тин олади” нақлига ишонмай қўйишгани бор гап. Эсингиздасиз, бечора пахтакор қор-қиров тагидан териб оларди сўнгги чаноқларда қолган, сифати-ю сони тош босмайдиган қуриб кеттур ўша оқ матоҳни.

Ўша замонларда эди-ку, “Пахта – миллий бойлигимиз!” деган балиндларвоз шиорларни катта-катта панноларда кўчалар бўйларига илиб қўйганимиз. Ана шу бемаъни, ёлгон сафсата оғушида ухласак-да, “оппоқ ажал”нинг азоб-укубатларидан қандай қутулиш йўларини ҳеч ким ўйлаб кўрмаганига ишонгим келмайди. Балки орамиздан бундай халқларварлар чиққан бўлса-да, пинҳона тинчитиб юборилгани аниқ.

Эслийсизми, тўрт-беш ой даладан чиқмай, олти-етти терим, чала қолган кўракларни чувиш оқибатида ҳар гектар майдондан 35-40 центнерлик хирмон кўтарган бригадир дўпписини осмонга отар, элга тўй қилиб берарди. Қоғоздами ё амалдами, қандай бўлмасин, қирқ ва ундан ортиқ центнер ҳосил олганларнинг кўксини турли орден-медаллар беазагани бор гап. Қаҳрамон бўлганлар ҳам кам эмас эди?

Бугун-чи?.. Янгибозорлик фермер бир теримда ҳар гектардан 63 центнер пахта териб олгани ҳақида ижтимоий тармоқларда олти қатор хабар ёйинланди. На фермер хўжалиги атамаси, на фермер номи кўрсатилди. Гўё бу оддий ҳолат каби. Яна денг, ўзинг даласига хитойникимас, аксинча, маҳаллий нав пахта уруғи экилган экан...

“Биринчи теримдаёқ режани бажардик, гектаридан 43 центнер хирмон кўтардик. Бу ёқда ҳали иккинчи терим турибди, яна камида ўн беш центнер тош босади-ёв. Ўн беш йиллар аввал 35 центнерлик режани уддалай олма-



ганим учун қора қишгача отиздан чиқмасдик. Ҳамма гап пахтанинг тезпишар ва ҳосилдор навини топиб, парваришда экан”, дейди Боғот туманидаги “Анвар Акбар ўғли” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Юсуфбой ака Рўзметов.

Бу гурунгимиз шу йилнинг сентябрь ойи адоғида бўлган эди ва яқинда Юсуфбой оғамизнинг даласи ёнидан ўтаётиб, аллақачон ғўзапоялар йиғиштириб олинганини кўриб хурсанд бўлдим. Улар энди келгуси йил ҳосилига замин тайёрлашпти.

Ким айтади, яқин тарихимизда қачон сентябрь, борингки, октябрь бошида ғўзапоялар ҳовлиларга гарамланганими? Ҳатто яқин йилларда ҳам режасини бажариб қўйган илғор фермерларга далаларни шудгор қилиш, кейинги ҳосилига замин ҳозирлаш учун ерларининг “нафас ростлаши”га рухсат берилмасди-ку! Сабаби ҳақида оддий эди: нима эмиш, аввал туман ва вилоят пахта режасини бажарсин, шундан кейингина изн берилади”, деган кўрсатма бор эди. Шу ҳам инсофданми, айтин! Илғормисан-қолоқмисан, барибир, фойдаси йўқ, карвон билан юришга, кўнишга, қутишга мажбурсан, вассалом!

Биласиз, оқибати не бўларди: келаси йил ҳосилдорлик кескин пасайиб кетарди. Негаки,

ҳосилдан бўшаган майдонлар ўз вақтида шудгор қилинмаган, кейин совуқ кунлар бошланиб кетган ва... қолгани маълум!

Воҳада фермер хўжаликлари кузги ғўздойни асосан сентябрь ойининг иккинчи ярми ва октябрнинг биринчи ўн кунлигида ғўза қатор ораларига экишади. Бунинг учун ўша даланинг пахтаси камида икки марта териб олинishi шарт. Тажрибадан аёнки, ғўза қатор ораларига экилган ғўздой очиқ майдонларга экилган ғўздойдан беш-ўн центнер камроқ ҳосил беради. Сабаблари кўп: масалан, уруғ майдоннинг барча нуқталарига текис тушмайди, ҳали ўсишдан тўхтамаган ғўза барглари соясида униб чиқиши ва ривожланиши секин кечади, кейинги терим вақтида оёқ остиди қўлиб, анчагина қисми зарар кўради, ғўздой ниҳолларига минерал ўғит бериш қийин кечади. Ва ниҳоят қиш ўртаси ёки адоғида ғўзапоя кўлда ўриб олинадиган бўлса, камида ўн-ўн беш физ ниҳоллар нобуд бўлиши ҳам бор.

Бу йилдан бошлаб сентябрь охири, октябр бошида ғўзапояни йиғиштириб олиб, ўрнига ғўздой экиш тажрибаси илк марта қўлланилмоқда. Бу янгиликнинг самарасини кейинги йил ғўздой ўрими вақтида кўрамирисиз деб этсиз.

Хоразмда кузакнинг илк ойдаи бир ҳафта ичида пахта режасини бажарган фермерлар бўлди. Бунга замонавий терим машиналари шарофатидан эришилди. Четдан келтирилган терим машинаси бир кечаю кундузда ўттиз тонна атрофида пахта терганини эшитиб, ишонмаганлар энди ҳайратда. Мумкинмикан шундай натижага эришиш деганларга изоҳ берамиз. Эски замонларда терим машиналари тунда ишламасди. Бунга шудринг сабаб қилиб кўрсатиларди. Ҳозирги терим машиналари учун шудрингнинг таъсири йўқ экан. Яна денг, уларнинг тўлган бункери трактор аравасига сиғмайди. Шунинг учун даласига пахта терим машинаси кирган фермерлар йиғиштирилган пахтани пайдар-пай қабул қилиш масканларига ташишда махсус юк араваларига эҳтиёж сезишди. Кимдир қўшни фермердан юк аравасини вақтинча олиб турди, тополмагани вақтни йўқотмаслик учун пахтани шийпонларга тўктирди.

Жорий йил бошқа ҳудудларда бўлганидек, Хоразмда ҳам мўл ҳосил етиштирилгани ва вилоят пахтакорлари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб белгиланган режани бажарганини бу йилги об-ҳавонинг қўлай келгани ва агротехник тадбирлар ўз вақти-

да амалга оширилгани билан боғлашмоқда. Тўғри, қишлоқ хўжалиги экинлари ривожини, ҳосил тўплашида об-ҳавонинг таъсири кучли. Лекин республикамизнинг шимолида жоиллашган воҳада қиш совуқ келиши, баҳор кечикиши оддий иқлим ҳолати. Бу йил ҳам айнан шундай бўлди. Гарчи саратонда ҳаво ҳарорати мусбат қирқ даражадан ошиб, ғўза вегетацияси маҳалида ижобий роль ўйнаган, ўсимликлар ривожини бошқа йилларга қараганда ўн кунларга илгарилатиб юборган бўлса-да, терим мавсуми қисқа муддатларда тугашига асосий сабаблардан бири, яна таъкидлаймиз, пахтанинг тезпишар, ҳосилдор навлари экилганидир! Олайлик, маҳаллий “Хоразм-127”, “Меҳнат” ҳосили Хитойдан келтирилган пахта навлари билан солиштирилганда ҳосилдорлик борасида кам эмаслиги маълум бўлмоқда. Айрим ҳудудларда ҳатто ўзиб ҳам кетилди.

Бўлар экан-ку! Ўтган аср охирида “6 миллион тонна учун курашни” жанговар фронтга мензаланган нега масаланинг илгор технологияларига эътибор қаратишмади, тезпишар, ҳосилдор навлар яратиш, тоза ва сифатли йиғиштирадиган пахта териш машиналари яратиш ўрнига широбозлик, “қўшиб ёзиш” касалига гирифтор бўлиши? Алал оқибат не бўлди, шоир айтмоқчи, “миллион эгатларга сочилган ўзбек” бошига оппоқ пахта ортидан қоп-қора қумфат ёғилди.

Юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самарасини кунда-кунаро кўриб турибмиз. Амалдаги йилдан бошлаб бу каби ўзгаришларнинг янги тўлқини, хайриятки, қишлоқ хўжалигига ҳам етиб келди. Бундан фермерлар ҳам, оддий халқ ҳам енгил нафас олди. Неча-неча авлодлар жисмига сингиб кетган “мажбурий меҳнат” дегани тарих мулкига айланмоқда энди.

Шиддат билан кечаётган вақт ва деҳқон омилкорлиги уйғунлиги мева бера бошлади. Ҳамон эсимда: қирқ йилча олдин тўрт юз минг тонна пахта етиштириш учун тўрт ой даладан чиқмаган Хоразм деҳқони (минг афсуски, бошқа ҳудудлар аҳли учун ҳам бундай қўриқлар бегона эмас эди) бу йил у юз олти минг тонналик пахта хирмонини қирқ кунда уйди-қўйди!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

“МАЖБУРИЙ” ОБУНА ТАРАФДОРИМАН...

Бир неча йил муқаддам Тошкент вилоятидаги туман халқ таълими бўлимлари (ҳозирги туман мактаб ва мактабгача таълим бўлими)дан бирининг мудирини обунани ташкил этгани учун лавозимидан озод қилишди. Ҳатто касерда обуна яхши йўлга қўйилса, ўша жой танқидга нишон бўлди.

Нима эмиш, газета-журналларни ўқиш дарс жараёнига алоқадор эмасмиш. Нима эмиш, мажбурий обуна жуда катта хатомиш. Дала ишларида қатнашиш, кўчаларни тозалаш дарсларга алоқасиз дейишса, тушунарли бўларди. Ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларни таъкидлаш, илгор иш тажрибаларини тарғиб қилиш қачондан буён кундалик турмушимизга зид бўлиб қолди?!

Ўйлаб кўринг, ўзингиз сотиб олган автомашина учун мажбурий суғурта бор. Лекин бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Ҳоттир демайди. Ўзининг машинаси, ехтиёт қилиб хайдайман, керак бўлса, бирор муаммо чиқса, ўзим ҳал қиламан, дея аюҳаннос солмайдми. Жимгина ҳар йили суғурта полисини сотиб олади. Мажбурий ҳарбий хизмат ҳам муқаддас бурч. Ундан бўйин товлаш жиноят ҳисобланади. Мажбурий таълим – янада тўри ва тушунарли. Лекин...

Маънавият таълими таълими улашувчи матбуот нашрларига обуна бўлинг дейишса, буни қўйиб берсангиз, жиноятга, ноқонуний бир ёмон ишга тенглаштиришни истовчилар топилади.

Тўғри, ҳар ким ўзи истаган газета-журналга обуна бўлишга ёки бўлмасликка ҳаққи бор. Ҳеч ким “фалон нашрни ўқийсан”, дея мажбурлаши мумкин эмас. Аммо шу ўринда масаланинг бошқа томонини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Айтилик, китобхонлик масаласи. Агар биз фарзандларимизга ёшлигидан “уни ўқи, буни ўқи” демасак, китобга ошно қилмасак, улар китоб мутлоасига меҳр қўямиди? Ёки одам боласи ўз-ўзидан китобхон бўлиб қоладими? Йўқ, албатта. Шу боис газета-журналларга обуна бўлиш масаласида тарғибот-таъкидотни, қўллаб-қувватлашни қўйиш керак. Зеро, “мажбурий”, “ихтиёрий”, “обуна бўл десанг, ўзингдан кўр”, “фақат битта

газетага обуна бўлсанг етади” деганга ўхшаш дўқ-пўписалар, огоҳлантиришлар бутунлай лугатимиздан олиб ташланиши шарт. Шунинг учун жойларда ҳокимият, вазирлик ва идоралар нашрларга обуна ташкил этиш борасида тасвиявий кўринишдаги режаларни бемалол ишлаб чиқишлари мумкин эмасми? Ҳозир эса вилоят, туман, шаҳар раҳбарлари ҳам ҳатто ўзлари муассис бўлган нашрлар учун ақалли тасвиявий хатлар чиқаришга қўйиб қолишган.

Хўш, нима қилмоқ керак? Обунани ўз холига ташлаб қўйиш керакми? Ҳаммага маълумки, ўз холига ташланган иш барбод бўлади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Одам боласининг табиатида танбалликка, дангасалликка мойиллик борлиги турган қар-ку!

“Бизга обуна нимага керак? Ма-на, ҳамма нарса телефонимда бор-ку”, деяётган раҳбарнинг биринчи галда маънавий олами қандай эканини ўйлаб кўрадиган вақт етди, назаримизда. Негаки, жойларда бўлганимизда, одамлар билан суҳбатлашиш асосида матбуот ходими эканлигини айтсак, асосан: “Ҳа, ҳозир одамлар газета-журнал ўқимай қўйишди-я”, дейишади. Бу гап гўё “сизлар беҳуда ишлаяпсизлар-да” дегандек эшитилади.

Шу мавзуда гап кетганда, ОАВ қаторида бўлган матбуот ва ижтимоий тармоқ, интернет нашрларини бир-бирига қарши қўйиш ҳоллари учраётгани сир эмас. Аслида, ҳар иккала тараф ҳам тингловчилар ва ўқувчиларга кўпроқ маълумот етказишдан манфаатдор.

Шубҳасиз, улар бир-бирларини тўлдирдилар ва бу йўлда мақсад сари муайян марраларга эришилмоқда. Биз ҳеч қачон “Фақат матбуот амал қилсин, ижтимоий тармоқ, сайтлар нари турсин”, дейишга ҳаққимиз йўқ. Дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида ижтимоий тармоқлар ҳам,

интернет нашрлари ҳам, босма нашрлар ҳам ёнма-ён яшамоқда. Ким ўқувчилар қалбидан кўпроқ, ишончлироқ жой эгалласа, қандини урсин! Яъни нашрларнинг янги ва таъсирчан шакллардан боришга интилишини соғлом рақобат сифатида қабул қилиш керак. Очиқчасига тан олайлик, интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар масала моҳиятини лўнда шаклда ва тезкор етказишади. Аммо кўп ҳолларда бирёқламалик, шошма-шошарлик ҳолатлари учрайди. Саводхонлик масаласини айтмасак ҳам, ўқинишли одам кўриб, билиб турибди.

Матбуот нашрларига келсак, уларда биринчи галда ўткир мулоҳаза, кенг таҳлил ва атрофлича мушоҳада юритиш устунлик қилади. Узоқни кўзловчи, ўқувчининг қалб тўрига етиб борадиган мақолалар албатта кўпайиши керак.

Яширишга ҳожат йўқ, даврий нашрларга обуна бўлиш кўрсаткичи йилдан-йилга пасайиб борапти. Бундан ўн-ўн беш йил олдин 100 мингга нусхада чиққан нашрлар бугун ўн-йигирма баробар кам ададда чоп этил-япти. Хўш, шу тарзда паства “шўнғиб” бораверилса, охири нима бўлади? Са-волари янада кўндалангрок қўяйлик: қаёққа қараб кетяпмиз? Матбуотдан юз ўгириш, ундан мосуво бўлиш ҳеч кимни яхшиликка элтмаслиги аниқ-ку! Мақодо, чиндан ҳам, босма нашрлар “ортиқча” бўлса, нима учун энг ривожланган давлатлардаги қатор газета ва журналлар ҳамон юз мингга нусха-ларда чоп этилмоқда? Нима учун АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Англия, Польша, Франция ва бошқа илгор мамлакатлар босма нашрлардан воз кечмаяпти? Буларни ўйлаб кўриш, ибрат, улғи олиш шунчалар қийинми?

Ўзбекистон – илм-фан, маданият, мафкура оламида дунёга ном таратган алломалар Ватани. Буюк тамаддуллар бешиги. Халқимизни эзгу, ижобий қадриятлар асосида тарбиялаётган устозларимиз, умуман, ўзини зиёли деб ҳисоблайдиган юртдошларимиз наҳотки бу инкирозни сукут қаслаб қарши олишга? “Зиёли” сўзига ўзбек тилининг изоҳли лугатида “Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи; илмий, ўқинишли, маърифатли” де-



ган таъриф берилган. Чин зиёли ҳаётда фақат ўзи учун эмас, бутун жамият аъзоларининг савияси учун ҳам масъулдир.

Ўзбек адабиёти дарғаларидан бири Худойберди Тўхтабоев (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) бир йиғинда: “Мен халқимиз савияси ҳақида ҳаммаша ўйга ботаман” деб жон куйдирганида нақадар ҳақ эди. Жамиятнинг олдинги сафида бораётган зейиллар эл-юртнинг нафақат бугуни, балки эртаси учун ҳам ана шундай муносабатда бўлиши керак, албатта. Хусусан, биринчи навбатда босма нашрларни қўллаб-қувватлашлари, ўзлари қизикқан нашрларга обуна бўлишлари шарт. Мана, тунов кун телевидениеда Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим: “Бизда қанча адабиёт муаллими бор, нега улар ҳеч бўлмаса “Шарқ юлдузи”ни ўқиймади?” дея куюнчақлик билан фикр билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги ўқитувчилар, бошқа нашрларни қўйинг, ўзларининг касбий соҳасига тааллуқли нашрларни ҳам “унутиб” юбориш даражасига етиб келишган, десак хато бўлмаса керак!

Шу ўринда газета-журналларга обуна бўлишининг яхшиланishiга ҳалақит бераётган яна бир ҳолат бор. Бу нашрларни обуначига ўз вақтида етказиш муаммоси. Биз яхши эслаймиз, илгари маҳалла оралаб юрувчи почта-лонларни кўпчилик хурсандчилик билан кутарди. Энди хат-хабарни, матбуот нашрларини эгасига етказиш пала-партиш ҳолатда. Баъзи жойларда кундалик газеталарни ҳафта, ўн кунда, ҳатто ундан ҳам кечиктириб олиб келишади. Бу соҳада тартиб ўрнатиш баъзилар назарида мурак-

кабдек туюлади. Бизнингча, тартибга олиш қийин эмас. Қаранг, автомашина тезлигини оширган, ўрнатилган қондаларини бузган ҳайдовчиларга жазима қоғозлари ўз вақтида етказиляпти-ку! Демак, ҳаммасини йўлга қўйиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг бундан беш йил аввал Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирда “Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик”, деган сўзлари ҳамон ёдимизда. Ушанда ахборот техно-логияси ривожланган мамлакатларда босма нашрлар миллионлаб нусха-ларда чоп этилиши мисол сифатида айтилган. Шу сўзларни дилимизга тугиб, кимлардан ўрнак олишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб кўрайлик. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун, шаксиз, матбуот ҳам керак бўлади. Қолаверса, газета-журнал ўқимаган китоб ўқишни ҳам ёлчитмас-ка керак.

Қачонки, фарзандларимизга болалигидан ўқиш, мутлола ҳикмати, завқи сингдириб борилса, у ҳеч қачон бесамар кетмайди. Аксинча, бугунги кундагидек фақат телефон ё интернетта қарамлик кучайиб кетар экан, бизнинг “мажбурий обуна” дея қилаётган хавотирларимиз, “меҳрибончилигимиз” алаоқибат сариқ чақага қиммат бўлиб чиқиши муқаррар. Ахир бунинг кўринишлари, ҳосилалари аллақачон турмушимизда ўз аксини кўрсатмоқда. Бунга бугунги ижтимоий тармоқлардаги “ҳаёт манзаралари”нинг ўзи аққол мисол, кўзгу эмасми? Хуллас, матбуотни қўллаб-қувватлаш, асраб қолиш зарур. Бунинг

учун эса обунани биринчи галда фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган мактаблардан, олий ва ўрта махсус таълим масканларидан, яна маҳалла-лардан, маданият ва санъат муассасалари, қўйингки, жамики ташкилот ва корхоналар жамоаларидан бошлаш керак бўлади. Бу йўлда хоҳиш бўлса, истак бўлса, ечим албатта топилади. Маблағларнинг обунана “етмай” қолиши мумкин эмас. Зеро, кейинги етти-саккиз йилда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган шунча улуғвор ишлар, бунёдкорликлар, улкан ислохотлар рўёбга чиқарилаётган экан, биз обуна масаласини ҳал қила олмаймизми? Улуғ миллатимиз, халқпарвар ҳукуматимиз бу масаланинг ижобий ечимини албатта топади деган ишончимиз бор.



Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

“Hurriyat” газетасининг
2025 йил 22 октябрь
41- сонидан олинди.

ТАШАББУС



КҮЧИМОВ кутубхонаси

Қачон Ургутга борсак, қадим зиёратгоҳлар, бир неча асрларни қарштаётган кекса чинорлару хунармандчиликнинг энг нодир намуналарини кўриб, хайратга тушиб қайтар эдик. Албатта, бу гўшада улуг маърифатпарвар зотлар ёкиб кетган мангу чироқлар ҳамон дунёга нур таратиб келаётганидан хабардормиз. Энди эса...

Бу жаннатмонанд диёрда туғилиб ўсган, таниқли адиб, шоир, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист ва ёшлар мураббийси, сенатор Абдусайд Кўчимовнинг ку-

моққа жад қилган инсонни кутламоқ учун отланган зиёлилар гуруҳи, яна бирида эса ушбу савобли ишга бош қўшмоққа чоғланган корхона (Навоий кон-металлургия комбинати) ҳамда ташкилот (Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси)нинг ҳадялари – компьютер жамланмалари ҳам бор эди.

Муболаға эмас-у, яқин ўртада бундай машварат, маърифий тадбир нафақат Деҳқонобод маҳалласида, балки Ургутнинг ўзидаям бўлмаганини шу ерлик ҳамкасблар қайта-қайта эътироф этишди.

Эътиборли жиҳати, юртимизнинг чекка бир бурчагида ана шундай ибратли ташаббус амалга ошганини кўргач, Президентимиз томонидан мамлакат миқёсида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ва халқимиз олқишига сазовор бўлаёт-

марқанд вилоят ахборот кутубхона маркази раҳбари Зебинисо Шодиева. – Энди ҳар бир китобхон ўзи яшаб турган жойдаги кутубхонага бориб, Ўзбекистон Миллий кутубхонасидаги адабиётдан фойдаланиш имкониятига эга. Ҳамма гап халқимизнинг китобга қизиқиши, меҳрида. Йилдан-йилга китобхонлар сафи кенгайиб бораётгани юртдошларимизда ана шу меҳр кучаяётганидан далолат. Қишлоқ жойларида бу каби кутубхоналар ташкил этилиши эса аҳоли ўртасида китобхонлик маданияти ошишига ёрдам беради. Биз – вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси Деҳқонободда янги очилган мазкур кутубхонани ўзимизнинг шу ҳудуддаги бўлимибиз деб қабул қиламиз ва доимий равишда янги адабиётлар билан таъминлаймиз, услубий ёрдам кўрсатамиз.



тубхонасини зиёрат этмоқ учун бормасак бўлмайдил!

Биламиз, устознинг шу кунгача мутлола қилган турли мавзудаги китоблари катта бир юк машинасига сиймас-ов. Янаям ўзига аён. Чунки қай бир даврада илму маърифат ё китоблар мавзусида гап очилгудек бўлса, тамом, шу вақтгача сукут сақлаб ўтирган одамнинг қулфи дили очилади. Тарихий, сиёсий, ижтимоий жабҳалар ва адабиётимизнинг улуг дарғалари ижоди, ҳаёти билан боғлиқ ғаройиб маълумотлар, воқеалар, кечинмаларни тинглаб, унинг метин хотирасига қойил қоламиз (ижодкорнинг кейинги йилларда битган бетакрор эсселарини эсланг).

Дарвоқе, кечаги якшанба Ургутга қатор-қатор маърифат карвоналари йўл олди. Бирида ҳали сиёҳи қурмаган янги китоблар, бирида ўз оиласи учун бунёд этган мўъжазгина хонадонни кутубхонага айлантир-

ган “Ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Китобхон маҳалла” танловларининг қадр-қиммати нечоғлик баланд эканига амин бўласиз.

Албатта, бу эзгу ташаббуснинг рўёбга чиқишида Самарқанд вилояти хамда Ургут тумани ҳокимликлари ҳам беминнат кўмагини аямагани рост. Нафақат ургутликлар, балки юртимиз миқёсида доврўқ қозонган адиб, зиёлининг ҳозирча ўн мингдан кўпроқ ададдаги китоб фонди ва йиғирмата компьютерга эга ушбу кутубхонаси 600 минглик нуфусга эга бу катта туманда китоб мутлоласи бўйича яхшигина рақобатнинг шаклланишига ҳам туртки бўлмоғи мумкинлигини унутмаслик керак.

– Бир пайтлар эътибордан четда қолган туман кутубхоналари, мактаб кутубхоналари ҳам бугун янги адабиётлар билан бойиди, электрон тизим орқали пойтахтимиздаги Миллий кутубхонамизга уланди, – дейди Са-

Айтганча, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Кўчимов кутубхонасини ўз тармоғига улаб, ургутлик китобсеварларнинг мамлакат бош кутубхонаси фондидаги асарлардан онлайн фойдаланишлариға имконият яратгани аини муддао.

Оққан дарё оқаверар экан-да. Ургут азал-азалдан маърифат ва маданият ўчоғи бўлиб келган ва янги асрнинг ярим чорангада азалий қадриятлар тикланаётган бир паллада шундай хайрли ишларга бош-қош бўлган зотлар номи ҳам насиб этса абадиятга дахлдор бўлмоғига заррача шубҳамиз йўқ.

Энди Ургутга йўлимиз тушгудек бўлса, гўзал маскан “Кўчимов кутубхонаси” биринчи манзилимиз бўлажак!

Азизбек МАҲКАМОВ

Саводли одам қайга йўқолди?

Бугун дунё ахборот оқидамида ғарқ бўлган. Ҳар куни минглаб хабарлар, мақолалар, видеолар ва “контент” деган алламбалолар одамнинг онгу шуурини банд этади. Шундай замонда инсоннинг маънавий устуни бўлган таҳлил ва тафаккур маданиятини асраб қолиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланди.

Жаҳон ахборот чиқиндиҳонасида ялт этган фикрга дуч келиш улкан қум барханлари орасидан олтин заррасини излашга ўхшаб бормоқда. Шу маънода “жаҳолатга қарши жабҳада жим жанг қилаётган мутаржим” Жалолитдин Сафоевнинг саъй-ҳаракатларини заргарнинг машаққатига менгзаш мумкин. Унинг таржималари орқали жаҳон тафаккурининг энг сара намояндалари ўзбек ўқувчисига яқинлашмоқда.

Фикр тарғиботчисининг телеграмдаги саҳифаси инсоннинг руҳий ва фикрий оламини тартиблашга, тазалашга хизмат қилиб келмоқда. Таржималарда замонавий жамиятнинг оғриқ нуқталари, инсоний қадр ва виждон масалалари бадий ва фалсафий шаклда ифода этилган. Ҳар бир сатр инсонни фикрлашга, савол беришга, ҳаёт ва замонга масъулият билан қарашга чорлайди. Ана шундай иқтибослардан айримларини газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Ҳақиқий журналистика – шовқин-сурон остидаги сукунатни эшитиб, уни сўз орқали уйғотиш санъатидир.

Қанчалик савиясиз бўлса, обуначиси шунчалик кўп

Нитшенинг машҳур гапи бор: “Махлуқ билан курашаётган киши ўзи ҳам махлуққа айланиб қолмасликдан эҳтиёт бўлиши шарт. Ва тубсиз чоғга узоқ вақт термулиб турсанг, чоғ ҳам сени кузата бошлайди”. Бу фикр “рақамли контент муаллифлари” деб аталадиган тоифага ҳам тўла тааллуқли.

Рақамли контент муаллифлари билимли, фаҳм-фаросатли, оқ-қорани таниган хос одамлар аудиторияси учун эмас, ақли ноқис, йиғлайдиган жойда куладиган, куладиган жойда йиғлайдиган, энг жўн гапларни катта кашфиёт сифатида қабул қиладиган, эстетик диди шакланмаган, туйғулари тарбияланмаган, ўз ҳаёти қолиб “кумир”лари ҳаёти билан яшайдиганлар учун ишлайди ва “оломоннинг сеҳргари, афсунгари”га айланиб, авомнинг ақл-идрок

ни ҳикоя қилишлари, мактабларда адабиёт дarsi қисқартирилганини кўриб, эшитиб – менда кимдир халқни подага айлантиришни жуда-жуда истаётгандек таассурот уйғотади...

Биз ақл бовар қилмас ахлоқсизлик, разолат, ичкиликбозлик, ғийбатларга йўл очиб, ҳар қандай буюк ақл-идрок эгасини бешиқда-ёқ бўғиб ўлдиришга қодир бўлиб боряпмиз...

Халқнинг аксарияти эса бу паллада ва сасиган хўракни хурсандлик билан ҳазм қилиб юрмоқда.

Олег Басилашвили, рус актёри

Саводли одам ўрнига “селфи одам”

Ўтган асрда саводли ва билимдон бўлиш – ҳурматга лойиқ инсонликни англатарди. Саводли одам қайси даврага бош сўқмасин: мактабларда, кинода, театрда, кўчада, трамвай бекатида ва ҳатто лўлилар

чик ажиннинг катталашаётганини улкан фожиа сифатида қабул қилади...

Бугун кимлар ёзмапти дейсиз – ҳамма ёзувчи, аммо ўқийдиган одам йўқ! Мана шу негизда биз “селфи одам” деб атаётган бошқача инсон вояга етди. У бизнинг фикрларимизни чалкаштириб юборади, у бизга мудом ҳалақит беради, бироқ қудратли катарсис (руҳий ва маънавий покланиш) содир бўлмагунча у йўқолмайди.

“Селфи одам” чалкаш тушунчалар ахлатхонасида, ҳамма ангилаши осон сийқа ахборотни ёзиш ҳамма-нинг қўлидан келишини билимдонлик, саводхонлик деган ғоя, пул ва манфаат мафқураси ҳукмронлиги уричи кетган жамиятда униб-ўсди...

Эмир Кустурица, серб кинорежисёри

Инсоннинг энг катта душмани – ўзи

Инсон осмону фалақдан келадиган кулфатлардан бир иложини қилиб қутулиши мумкин. Аммо инсон ўзини ўзи рўбару қиладиган кулфатлардан омон қолишининг сира иложи йўқ.

Шарқ ҳикмати

Мақтов ва қўллов ортида манфаат бор

Одамларнинг мақтови, мулоҳазаси ва манфаатлари қайси манбалардан оқиб келмоқда ва улар нималарни кўзламоқда – ана шуларни билганинда инсонларнинг мақтови ва қўллаб-қувватлашига бунчалик учмаган бўлардинг.

Марк Аврелий, қадимги Рим императори

Француз ватанини юрагида, пулини эса хорижда асрайди

Бу ибора муаллифи француз ёзувчиси Пьер Данинос (1913–2005) бўлади. Тилда ватанга садоқат ҳақида сафсата сотиб, амалда мамлакат бойлиқларини турли қинғир йўллар билан ўзлаштириб, тўплаган пулини чет эл банкларига жойлаштирадиган одамларга нисбатан кино тарзда қўлланади.

Учта “йўқ” қондаси

Инсон аввало ўз қалбида тартиб ўрнатиши жуда муҳим. Учта “йўқ” қондасига амал қилмайлик: ҳеч қачон ҳеч кимдан нолиш йўқ, ҳеч қачон ҳеч кимни айлалаш йўқ ва ҳеч қачон ҳеч кимнинг олдида ўзимизни оқлаш йўқ!

Бернард Шоу, ирланд ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори

Жалолитдин САФОЕВ таржимаси



даражасида фикрлай бошлайди. Бундайлар (блогер, журналист, бошловчи, шоу-бизнес вакили, психолог, мотиватор, вайнер ва ҳоказолар)нинг ўзи ҳам авом одамнинг бири – ўша Нитше айтган тубсиз чоғдаги махлуққа айланади.

Рақамли контент муаллифлари бироз жиддий ва долзарб мавзуларда “мулоҳаза” юрита бошласалари биланоқ етарли маълумотга эга эмасликлари, гап-сўзлари примитив характер касб этиши, малакасиз эканлиги кундек равшан бўлиб қолади. Аммо ижтимоий тармоқлар алгоритмлари авом-оломон манфаатига, аниқроқ айтганда, уларнинг паст онига ишлайди. Оломон ақл-идрокнинг ўсишини эмас, ҳиссиётлар жунбушга келишини хошлайди. Масхарабозлик, фикрсизлик, ясамалик, ташқи ялтироқлик, жўнлик оломонни худди гўнг пашшаси тўдаси ахлатга ташлангандек ўзига ром этади. Шу боли контент қанчалик савиясиз ва оломонбон бўлса, унинг обуначисию кузатувчиси шунча кўп бўлади...

Ижтимоий тармоқдан

Халқ подага айланмоқда...

Эстраданинг ҳаёсиз юмористик концертларида ётиб қолгунча қаҳқаҳа отаётган оломон ва бундай аҳмоқона ҳайвоний кишнашга ўхшаб кетадиган кулгини миллионлаб телевизорларда қўпайтириб тарқатилиши, уятини йўқотган қизларнинг телевизорга чиқиб олиб, ўзларининг ишқий саргузаштлари лаззатлари-

маҳалласида ҳам доимо барчанинг диққат марказида бўларди. Гап бу ерда грамматик саводхонлик ҳақида ёки бугун ахборот инқилобининг бошқараётганлар томонидан шакллантирилаётган шарпа ҳақида кетаётгани йўқ.

Ўтган асрда қачондир кимидир саводли ёки билимдон деб аташганда, бу инсонга нисбатан чўқур ҳурматни ифода этишган ва бундан кам бўлмаган инсоний қадр-қиммат ҳам шу эҳтиромда муҳассам бўлган. Албатта, саводли инсон мукаммаликдан холи бўлган, аслида бунга у интилмаган ҳам, чунки инглиз мақолида айтилганидек, дунёда мукаммал инсоннинг ўзи йўқ. Ахборот инқилобининг ҳаммаёқни қоплаб ва босиб олган суприндиси босқини остида саводли одам ғойиб бўлди... Саводли кишининг қаҳри қаттиқ эмасди, коррупция ботқоғига ботмагани ва худонинг борлигини рад этганлар сафида ҳам йўқ эди.

Саводли инсон ҳақиқатга, юксак ва олийжаноб ҳис-туйғуларга интиларди. Унинг фазилатлари бисёр эди. Билимдон одам дидсизликни сўзи билан худди қиличдек кесиб ташларди, бизга қандай фикрлашни ўргатарди.

Ҳозирги пайтда пайдо бўлган тарихга ишонмайдиган, корпорацион капитализмни тақдир сифатида қабул қилган ва ўзининг сифатини ёки бутун халқ сариқ қақага аризмаслигини исботлаш учун ўлиб-тирилиб “меҳнат” қилаётган “селфи одам” деб аталувчи нусха саводли инсоннинг тескарсисидир.

Бу антиқаҳрамон ўз айфонида селфи суратга олар экан, юзидаги ки-

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХҲЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шўҳрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 1045
Адади: 5015
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:05

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дунда олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи қўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ